



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 215 (11.526)

Баҳоси эркин нарҳда

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

• Гулистон шаҳридаги Болалар шаҳар-часида Сирдарё вилояти Адлия бошқармаси ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси—фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Когон туманидаги «Бухоро темирбетон» масъулияти чекланган жамияти қошида шифер ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги технологик линия ишга туширилди. Янги цехнинг фаолият бошлаши билан 20 киши муқим иш ўрнига эга бўлди. Ҳозирда бу ерда бир кечакундузда беш юз донагача шифер тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

• Ургут туманидаги Ялпоқтепа маҳалласида «Ургут Шарқ» масъулияти чекланган жамияти томонидан пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тадбиркор Р.Ражабов ушбу корхонани ўз маблағи ҳамда банкдан олган кредити ҳисобига ташкил этган бўлиб, бу ерда 15 та янги иш ўрни яратилди.

• Шўрчи туманидаги «Жамшид» хусусий фирмаси салқин ичимликлар ишлаб чиқариш бўйича корхона фаолиятини ташкил этди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган янги корхонада 15 турдаги сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

• Нукус шаҳрида молиявий ва солиқ ҳисобларнинг таҳлили, солиқ қонунчилиги, солиқ мажбуриятини бажариш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ўтказилаётган «Энг яхши қишлоқ» республика кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичи якунланди. Унда инфратузилмаси ривожланган, обод ва кўркам деб топилган 11 та қишлоқ фуқаролар йиғини орасидан голиблар аниқланди.

• Сурхондарё вилоятининг Узун туманида мева ва сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхона фойдаланишга топширилди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхонада бир кунда 10 тонна маҳсулотни қайта ишлаш имконияти мавжуд. Янги корхонада 20 га яқин ўсмирлар ва қизлар иш билан таъминланди.

**ЖАҲОНДА**

• Чехия Президенти В.Клауснинг Лисабон шартномасини имзолаши ушбу ҳужжатнинг кучга кириши олдидаги сўнги тўсиқнинг олиб ташланишига омил бўлди.

• Молдовада навбатдаги президент сайловларини ўтказиш муддати 2009 йил 10 ноябрга белгиланди.

• Бугун Россияда халқ бирлиги кун байрами кенг нишонланди.

• АКШда саноат молларига бўлган талабнинг кучайиши натижасида жаҳоннинг етакчи хом ашё биржаларида бир баррел нефтининг нархи 80 долларга етди. Бу ўз навбатида жаҳон иқтисодийнинг барқарорлашиб бораётганидан далолатдир.

• Ҳинд океанининг Австралияга яқин қирғоқларида Таиланднинг «PTT Ehpioration & Production» нефть компаниясига тегишли платформа ёниб кетди. Натижада 28 минг баррелдан кўпроқ нефть океанга тўкилиб кетган. Шу сабабдан Австралия ҳукумати атроф-муҳитга етказилган зарар учун Таиланддан тоvon пули талаб қилишини билдирган.

• Шимолий Корея 8 минг дона ишлатилган ёқилги ўзақларидан плутоний ишлаб чиқаришга фойдаланишини билдирди.

• Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишича, ушбу мамлакатда А/Н1N1 грипига чалинганлар сони 3122 кишига етган.

• Бразилияда рўй бераётган кучли ёғингарчилик мамлакатнинг жануби-шарқий қисмида катта талафотларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, шундай об-ҳаво сабаб Эспирита-Санта штатидаги 27 та шаҳарда вайронагарчиликлар юз берган, тўрт киши ҳаётдан кўз юмган. Бундан ташқари, худуддаги иккита катта магистрал йўл яроқсиз ҳолга келган.

• Покистоннинг Лаҳор шаҳрида жойлашган полиция участкаси атрофида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 15 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

## ПОЙТАХТНИНГ

2200  
2009  
ТОШКЕНТ

## БИР КУНИ



Кўрғазмалар

## САНОАТЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЎРИГИ

Шаҳримиздаги муҳташам «Ўзэкспомарказ» мажмуасида Марказий Осиё саноат ҳафталиги доирасида кеча ихтисослашган халқаро кўрғазмалар бошланди. Эътиборли жиҳати шундаки, бир вақтнинг ўзида учта: «Топ-кон ускуналари — Mining World Uzbekistan 2009» 4-Ўзбекистон халқаро кўрғазмаси «Кимё. Пластмасса. Резина — Chem Plast Asia 2009» 3-Марказий Осиё халқаро кўрғазмаси ҳамда «Металлургия. Дастгоҳсозлик. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш — MCA 2009» кўрғазмалари мутахассислар билан гавжумдир.

Айтиш жоизки, мазкур халқаро тадбир намоёниш майдони бўлибгина қолмай, балки ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳорижий сармоядорларни топиб, музокарага кириш учун қўлай имкониятни вуқудга келтиришда муҳим омил бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзкимёсаноат» Давлат акциядорлик компанияси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида «TE Uzbekistan» халқаро кўрғазмалар компаниясининг йирик лойиҳаси асосида ташкил этилди.

Кўрғазмаларни айланар эканмиш, юртимизда давр талаблари асосида иқтисодий-технологик таркибий ўзгаришларга эришиш, унинг етакчи тармоқлари модернизация қилиниб, техник ва технология жиҳатдан янгиланаётгани боис ҳам бугунги жаҳон глобал молиявий-иқтисодий инқирози таъсири сезилмаётганига ишонч ҳосил қилдик. Аксинча, Ўзбекистонда барқарор ўсиш суъратлари қайд этилмоқда. Бунинг яққол далили сифатида Марказий Осиё саноат ҳафталигини айтиб ўтиш ўринли. Мазкур тадбирга бўлган қизиқиш йил сайин ошиб бормоқда, бу галги ҳафталикда Германия, Буюк Британия, АКШ, Эрон, Хитой, Россия, Беларусь, Венгрия, Финляндия, Япония, Чехия, Швейцария, Туркия, Украина каби жаҳоннинг 20 га яқин давлатларидан 80 дан зиёд етакчи компания ҳамда фирмалар ўз маҳсулотлари билан қатнашаётганини таъкидлаш ўринли. Кўрғазмаларда кимё, нефть кимёси саноати учун хом ашё ва ускуналар; лаборатория жиҳозлари;



лок-бўёқ маҳсулотлари; бургулаш техникаси; юк ортиш ва ташиш машиналари; кончилик технологияларига оид кўрғазмаларда тарлавларга ютуқлари кенг намоёнишга қўйилган бўлиб, ташриф бурувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Экспозицияда Ўзбекистондаги «Топ-кон иши» мавзусига бағишланган ягона ихтисослашган «Mining World Uzbekistan 2009» кўрғазмасида, «Навоий кон-металлургия комбинати», «Олмалик кон-металлургия комбинати», «Ўзбекўмир» очик акциядорлик жамиятлари фаолиятлари тизимлида юртимизда ушбу соҳа салоҳияти кенг қўлдан намоёниш этилмоқда. Шунингдек, ўз навбатида, дунёга машҳур хорижий компаниялари ўзларининг янги, замонавий, юксак унумли қудратли техникаларини тақдир этиш шайтаннинг гувоҳи бўлди.

Марказий Осиё саноат ҳафталиги доирасида ўтказилаётган «Металлургия, дастгоҳсозлик, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш —

MCA 2009» ҳамда «Кимё, пластмасса, резина — Chem Plast Asia 2009» халқаро кўрғазмаларига ажратилган бўлимлар ҳам иштирокчилар билан гавжум. Бу ерга ташриф бурувчилар ушбу соҳалар, уларга алоқадор турдош йўналишлар ривожига ҳақиқатан ҳам етарли маълумотларни олиб, янгиликлардан воқиф бўлишмоқда.

Кувонарлиси, ҳафталик доирасида «Ўзкимёсаноат» Давлат акциядорлик компанияси тизимидagi корхоналар маҳаллий хом ашёдан импорт ўрини босувчи ҳамда экспорт маҳсулотлар, техника ва ускуналарни тақдим этишди. Жумладан, кўрғазмаларда амалий тадбирлар доирасида етакчи мутахассислар иштирокида турли мавзуларда семинар-йиғилишлар, қатор хорижий компанияларнинг таништирув маросимлари, тақдиротлари ўтказилмоқда.

**МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА:** кўрғазмалардан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиқов олган суратлар

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

3 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

«Архив иши тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Н.Алимов тақдим этди. Таъкидладики, архив ҳужжатлари халқимизнинг маданий меросида салмоқли ўрин тутди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 120 та архив муассасаси, қарийб 7600 та идоровий архив мавжуд бўлиб, уларда юз миллиондан зиёд ҳужжат сақланмоқда. 1999 йилдан буён амалда бўлган «Архивлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу соҳада жиддий ўзгаришлар юз берганини муносабати билан тақдирлашга талоаб қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Бош архив бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Узархив» агентлигига айлантирилди. Архив ишини ва иш юритишни ривожлантириш дастури, шунингдек, Архив ишини ва иш юритишни ривожлантиришнинг мақсадли йўналишлари қабул қилинди. Давлат архивларини реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан модернизациялаш чоратадбирлари белгиланди. Шундай қилиб, архив иши тизимида сўнги йилларда жиддий ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда ва улар амалдаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топиши керак.

Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этдилар. Таъкидландики, қонун лойиҳаси Ўзбекистонда архив ишини янада ривожлантиришнинг ҳозирги кун талабларига ва истиқболларига тўлиқ мос келади. Депутатларнинг тақлифларига кўра қонун лойиҳасининг айрим моддаларига мазкур ҳужжатни такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, айрим нормаларнинг таърифи аниқлаштирилди. Муҳокама чоғида тушган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонуни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Х.Маматов «Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенциясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар Миллий режасини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш чоғида депутатлар воёга етмаганлар соғлиги ёки хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ноқўлай шароитларда ишларда воёга етмаганлар меҳнатидан фойдаланганини учун жисмоний шахсларнинг, шу жумладан ота-оналарнинг жавобгарлигини белгиловчи нормаларни миллий қонун ҳужжатларига киритиш муҳим эканлигини таъкидладилар. Қонун лойиҳаси воёга етмаганларнинг меҳнати ҳақидаги ва улар меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш берувчиларнинг жавобгарлигини ҳам кучайтиради.

Билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонуни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддасига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси О.Охунова тақдим этди. Ҳужжат касба оид мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида бошқа шахсларга ОИВ ва ОИТС касалликларини юқтириш учун жавобгарлиқни белгиловчи махсус нормаларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига киритиш зарурати муносабати билан ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш чоғида депутатлар бундай қилмишларни аниқ белгилаш ва уларга баҳо беришни, шунингдек, фуқаролар соғлигини ҳуқуқий жиҳатдан ишончли кафолатлашни ҳаётнинг ўзи талаб этаётганлигини таъкидладилар. Бундай қилмишлар ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги ва келтириб чиқарадиган оқибатларининг оғирлиги жиндий жавобгарлик белгилашни тақозо этди. Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонуни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун парламентнинг юқори палатасига юборилди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси А.Шукуров «Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Қонун лойиҳаси «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фақулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонунлар талабларини бажармаганлик учун жавобгарлиқни назарда тутди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги 161-мактабда юқори синф ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Кувноқлар ва зукколар» беллашуви туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЕИХ туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

✓ **ҲАМЗА** номли мусиқа коллежиде иқтидорли қизлар ўртасида уюштирилган «Зулфияxonим қизлари» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичи бўлиб ўтди.

✓ **АЛИШЕР** Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида санъат ихлосмандлари эътиборига Япония рақслари асосида тайёрланган концерт дастури намоёниш этилди.

✓ **«ҚУШБЕГИ»** спорт мажмуасида ўтказилган стол тенниси мусобақаларида 14-16 ёшли ўсмирлар ўзаро беллашишди.







**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Меҳр нури» жамғармаси томонидан таъсис этилган таълим, спорт грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

## ИСТЕЪДОДЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга пухта билим бериш, истеъдодини намойиш этиш учун қулай шароит ва имконият яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги билим даргоҳларини барпо этиш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва қобилиятини юзага чиқариш, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллашига яқиндан қўмаклашиш имконини бермоқда.

Мазкур йўналишда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида қатор ибратли ишлар амалга ошириляётгани эътиборлидир. Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга йўналтирилган турли ижодий кўрик-танловлар, интеллектуал беллашувлар, турли фестиваллар, анжуманлар, маърифий лойиҳалар бунинг далилидир.

Таълим, спорт грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурлари фаол, изланувчан, ташаббускор йигит-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг ўз йўналиши бўйича пухта билим олиши учун имкон яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда таълим, спорт грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурларининг 244 нафар совриндорига дипломлар топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

ЎЗА

## МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ГУЗАР

**Халқимизда яхши бир хислат бор, имконияти Хатарли бўлган деярли ҳар бир киши яхшилик қилиш, муҳтожларга ёрдам беришга интилади. Бунга амал қилаётган кўплаб юртдошларимиз савобли ва хайрли ишларда бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қилмоқдалар.**


Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида истиқомат қилувчи Эркин Маҳмудов ҳам ана шундай савобталаб инсонлар сирасига киради. Бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, кўкалам-зорлаштириш, боғлар яратиш халқимизнинг энг азалий фазилатларидан эканлигини яхши бил-

пункти ишга туширилади.

Одатда юрт юмуши, эл ташвиши билан яшаётган одамлар камтарин бўлишади. Эркин ака ҳам шундайлардан бири. Биз ундан амалга оширган ишнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини сўраганимизда, у камтарлик билан бундай деди:

— Салкам 75

йиллик умрим давомида жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечирдим. Уруш бошланган йили отамдан, уч йил ўтиб онамдан жудо бўлдим. Етимлик азобини кўрдим. Кўп меҳнат қилишга тўғри келди. Муттасил ўқиб, ўрганиб олий маълумотли бўлдим. Кейинчалик 26 йил мобайнида бола-лар туристик база-



гани учун у ҳам савоб иш қилишга киришди.

Эркин Маҳмудов 2009 йилнинг атиги етти ойи мобайнида маҳалладаги харобага айланиб қолаётган ёшлар ўлкашунослик маркази ўрнида янги замонавий усулда гузарни бунёд этди. Яъни бу мажмуа 11 хонадан иборат бўлиб, новвойхона, чойхона, ошхона мавжуд. Айни пайтда бу ерда бунёдкорлик ишлари янада авж олмоқда. Яқин келажакда маҳаллада ўтказиладиган тўй, маърака, турли тадбирлар учун тўйхона, маҳалла милиция таянч

сига директорлик қилдим.

Яратганга беадад шукрки, Истиқлол туфайли кўп қатори менинг кўксимга ҳам шамол теғди. Ҳаётимиз фаровонлашди. Уч қиз, икки ўғлимни ўй-жойли қилдим. Кўплаб невараларнинг севимли бобосиман.

Ёшим бир жойга бориб қолган бўлса ҳам шу маҳалла аҳлига, элимизга хизмат қилсам, дейман. Ниятим мана шу гузарда кўплаб тантаналарни ўтказиш, маҳалладаги кам таъминланган оила фарзандларининг тўйларини ўтказиб бериш.



— Мен эсимни таниганимдан буён мана шу «Кулолқўрғон» маҳалласида яшайман, — дейди Абдуфаттоҳ ота Жабборов. — Бироқ ҳеч қачон бундай гузар қурилмаган. Тўғри, отахонлар чойхонаси бўларди. Тўкилиб тушай деб турган бино эди-да. Эркинбойга раҳмат. Шунчалик обод, кўркам бинолар қурибди. Энди қариялар ҳам, ёшлар ҳам бу ерда яхши ҳордиқ чиқаришлари турган гап. Шу маҳаллалик яна бир нуруний отахон — Манноп Усмонов ҳам гузар ҳақида илиқ фикр билдирди.

Энг муҳими, янги гузар ҳозир одамлар билан гажум. Яқин келажакда бу ерда автомобиллар тўхташ жойи ҳам бунёд этилади. Қурилиш ишлари эса давом этаётир. Эркин Маҳмудов фарзандлари Зиёдилла ва Убайдулла билан биргаликда гузарни 2010 йилда тўлиқ ишга туширишни мўлжаллашмоқда.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ. СУРАТЛАРДА: «Кулолқўрғон» маҳалласида бунёд этилган гузар кўринишлари. Ҳакимжон Солихов олган суратлар.**

## Иқтисодиёт

### ЮК ОРТИШ ҲАЖМИ КЎПАЙДИ

Пойтахтимизнинг Сергели тумани асосан саноат корхоналари жойлашган ҳудуд ҳисобланади. «Тошкент тола», «Файз», «Тошкент қувур», «Тошиқкиламчиқораметалл» каби корхоналар шаҳар иқтисодиёти раванқида муҳим ўрин ташаётир.

Мазкур корхоналарнинг аксарияти ташиш ишларини «Сергели» темир йўл бекати орқали амалга оширмоқдалар. Йил бошларидан ҳозиргача 283 тонна юк манзилга жўнатишган. Айни вақтда ўн мингдан ортиқ вагондан юклар туширилди. Жумладан, «Тошкент тола» корхонаси томонидан эса 818 та вагонда жами салкам 40 тонна пахта толаси юкланди. Бошқа корхоналар буортмалари ҳам ортиғи билан адо этилди.

## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

**Тошкент алоқа ва сигналлаштириш станцияси «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясида эски автомат телефон станцияларини алмаштиришга киришди.**

«Саркортелеком» компанияси билан ҳамкорликда «Тошкент» минтақавий темир йўл узелидаги телефон станциялари тармоғидан фойдаланиш имкониятини берадиган шартнома тузилди. Автоматлаштириш қурилмаларини ўрнатиш жараёни жадал олиб боришмоқда. Тошкент темир йўл муҳандислари институти ва «Хўжакент» темирйўл бекатидаги эскирган АТСларни рақамли алоқа станцияларига алмаштириш ишлари низоҳасига етди. Пойтахтимиздаги рақамли станциялар орғалиғидаги эски кабелларни янгиллаб, оптик толали кабеллар билан боғлашга ҳам киришилди.

## ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛАРИ

**«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компанияси томонидан ўтказилган «Энг яхши рационализаторлик таклифлари» танловида моҳир техника ижодкорлари аниқланди.**

Ушбу беллашувда ғолибликни қўлга киритган корхоналар орасида йўл узели жамоаси ҳам бор. «Контактсиз трансформатор темир йўл йўлчиқорларидаги сигналларни ўчириш тизимини оsonлаштириш» деб номланган мослама иختирочилари эса совринли мукофот билан тақдирландилар.

## Алоқа

### ЯНГИ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида «Ўзбекистонда илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонасини яратиш» бўйича лойиҳани амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Бу соҳага хориз сармоялари жалб қилинаётганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент ахборот кутубхонаси маркази негизда илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонасини бунёд этишга ҳам киришилди. Ушбу лойиҳа учун Корея Республикаси ҳукумати гранти асосида 2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармоя ажратилган бўлди. Айни вақтда миллий автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими ҳам юзага келади. Бунинг учун ҳам катта миқдорда маблағ сарфланади.

### АТС ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙТИРИЛДИ

Мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма иншоотларини телефонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларга биноан Тошкент шаҳар маҳсулоти хизмати боғламаси ҳам техникавий қайта жиҳозланмоқда. Яна қатор иншоотларда модернизация жараёнлари тугалланди. Шу ўринда пойтахтимиздаги 263-автомат телефон станцияси 608 рақамга кенгайтирилганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Бу эса телефон алоқа хизматини сифат жиҳатидан янада яхшилаш имконини бериши.

### АВТОМАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси тармоғини автоматлаштириш жараёнлари давом этмоқда. Даврий нашрларга обуна қабул қилиш бўйича ишлаб чиқариш жараёнида ахборот-технологияларини жорий этиш юзасидан қўриляётган тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Компания веб-сайтида обуначилар учун керакли маълумотларни жойлаштириш тартиби ҳам амалга оширилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

## Таълим

### ЯНГИ ДАСТУР АСОСИДА

**Бу ўқув маркази Транспорт корхоналарига малакали ҳайдовчиларни тайёрлаб бераётган даргоҳга айланиб қолди.**

12 нафар ўқитувчи, 24 нафар устоз ва турли лавозимдаги мутахассислар томонидан олиб бориляётган ўқув машғулотлари янги дастур асосида ташкил этилмоқда.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси таркибида фаолият кўрсатаётган марказнинг ўқув-моддий негизи янада мустаҳкамланди. Ҳозир унга яқин «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар бириктирилган. Шунингдек, 2 та «Исузу» автобусидан ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

### ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ САЙТЛАРИ

**Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ЗиёНЕТ бўлими томонидан уюштириляётган**

тадбирларда талаба-ёшлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Бу эса олий ўқув юртига тааллуқли сайтлар сонини оширишда муҳим омил бўлмоқда. «Энг яхши мактаб сайти» деган широтда кўриқнинг ташкил этилиши ҳам нур устига аёло нур бўлди. Кўрик ғолиблари сайтлари эса Миллий «Уз» домени интернет-фестивалига тақдим этилиши кўпчиликини қувонтирди. Келгусида лицей ва коллежлар ўқувчилари тайёрлаган сайтлар ҳам намойиш қилинади.

### ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

**«Оилавий таълим» деган мавзуда уюштириляётган анжуманлар соғлом ёшликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.**

Тошкентда уюштирилган навбатдаги бундай тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси саъй-ҳаракати билан амалга оширилди.

Анжуман дастури бўйича оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга доир тавсиялар берилди.

Анвар ВАҲОБОВ

## Анжуманлар

### ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Ана шундай учрашувлардан бири Собир Раҳимов тумани ҳокимлигида бўлиб ўтди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бошқаруви, шаҳар маънавият тарғибот маркази ва туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда туман «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда ташкил этдилар.

Анжумани туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муқаддам Расулова очиб берди.

Тадбир давомида юқорида қайд этилган

Қарорларнинг бажарилиши, оилада тиббий маданиятни ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда маҳалланинг ўрни, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича маҳаллаларда ташкил этилган жамоат гуруҳлари фаолияти «Саломатлик маърифати бурчаги»нинг мазмун-моҳияти ва бошқа масалалар хусусида сўз борди.

Шунингдек, учрашувда сўзга чиққанлар туман микёсида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятни ошириш юзасидан ҳамкор ташкилотлар билан биргалик-

да режа асосида оила-ларни ўрганиш, муаммоларни оилаларга кириб тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш, соғлиқни сақлаш ходимлари ва маҳалла аҳли ҳамкорлигини янада яхшилаш борасидаги ишларга тўхталиб ўтишди.

Анжуман доирасида никоҳланувчи шахсларни тиббий қуриқдан ўтказишнинг аҳамияти, «Соғлом она — соғлом бола» мавзуларида ўқув ва таълим муассасаларида режа асосида ўтказиляётган акциялар борасида мулоҳазали, мушоҳадали фикрлар ўртага ташланди.

Гулчехра САТТОР қизи

## ОЙЛИК МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 41-модда)

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим муассасаларида таълим самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳар бир ойда муайян фанни янада чуқурроқ ўқитиш тизими йўлга қўйилган. Октябрь ойи «Ўзбек тили ва адабиёти»га бағишланди.**

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабида мазкур ойлик якунига бағишланган фестиваль бўлиб ўтди.

Бугунги кунда юртимиздаги таълим масканларида «Она тили», «Адабиёт», «Ўзбек тили», «Одобнома», «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият

асослари», «Тарих» каби ўқув машғулотида она тилимиз асослари, қонуниятлари, ривожланиш тарихи ва тамойиллари ўқувчи ёшларга пухта ўргатиб келинмоқда. Айни пайтда тилимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни янада кучайтиришда ёшларда нутқ маданиятини юксалтириш, дарслик-

ларда тил маданияти тарғиботини янада кенг йўлга қўйиш, ўзбек тилини ўрганишга оид фан тўғрақларни, ўқув машғулотларини замон талаблари даражасида тақомиллаштириш муҳим ўрин тутди.

Ойлик давомида юртимиздаги мавжуд ўн мингга яқин умумий ўрта

таълим мактабида «Ўзбек тили байрами», маърифий анжуманлар, олимлар, тилшунослар, ёзувчи ва шoirлар, адабиётшунослар, маънавият тарғиботчилари иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди. Айни пайтда ўқувчиларнинг билимини, ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида турли викториналар, танловлар, интеллектуал беллашувлар, фан олимпиадалари, китобхонлик кечалари ташкил этилди.

Фестивалда «Ўзбек тили ва адабиёти ойлиги»да фаол иштирок этган мактабларга бадий адабиётлар, ўқув қўлланмалари, илмий-оммабоп нашрлардан иборат совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири



**Ўқув масканларида**

**ҲАМКОР ВА ҲАМНАФАСМИЗ**

**Куй ва кўшиқ инсон умрига мазмун, ҳаётига маъно, ишларига эса куч ва рағбат бахш қилади. Унинг таъсирида кишининг ўзига ва яқинларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб, меҳри товланиб, иқтидори ва истеъдоди шаклланиб бораверади.**

Айни кунларда шахримиздаги мусиқа мактаблари ва коллежларида турли учрашувлар, танловлар ва концерт дастурлари бўлиб ўтмоқда.

Х.Х. Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежида кун кеча бўлиб ўтган ижодий учрашув «Ҳамкор ва ҳамнафасмиз, доимо ёнма-ёнмиз» деб номланди.

Унда мазкур мусиқа коллежи ўқувчилари ва шахримиздаги 15-Болалар мусиқа ва санъат мактабининг иқтидорли ўқувчилари иштирок этдилар. Тадбир давомида ижро этилган «Ватаним—гул чаманим», «Юртим вафси», «Онам алласи», «Болалигим-подшолигим», «Тошкентим», «Дутор баёти» каби куй ва кўшиқлар, дилбар рақслар барчага хуш кайфият бағишлади.

— Ўқув юртимизда мусиқа ва санъат мактаблари билан ҳамкорликда ижодий учрашувларни ўтказиб боришни аҳна-нага айлантирганмиз, — дейди коллеж директори Ботир Матниёзов. — Пре-

зидентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ шахримиздаги барча мусиқа мактаблари билан ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб бормоқдамиз. Коллежимиз миқёсида ўтказиладиган турли хил танловлар, мусобақалар ва ижодий учрашувларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Бу каби концертларда, фестивалларда ёш иқтидорлар ва истеъдодлар сараланadi. Уларнинг ўзини кўрсата билиш, истеъдодини намойиш қилишга бўлган қизиқиши ортади. Асосийси эса, бундай учрашувлар негизда ёшларнинг мусиқа соҳасига оид билимлари янада кенгайиб, шаклланиб, онг ва тафаккурлари теранлашиб бораверади. Донишмандларимиз айт-



ганидек, куй ва кўшиқ ҳамма инсонларни эзгуликка, мунаввар ва нурли келажаги порлоқ йўлларга бошлайверади. Бинобарин унинг теғрасида ҳамма тинчлик, тотувлик, дўстлик, ҳамкорлик ва биродарлик каби улғу инсоний туйғулар жамулжамдир.

Дарҳақиқат ҳар қандай эзгуликка йўғрилган ишларнинг боши мусиқа билан бошланиб, кўшиқ билан якунига етади.

Ушбу учрашувда ҳам мусиқа мактабидан ташриф буюрган ўқувчилар ўзлари-

ни қизиқтирган саволларига тўлиқ жавоб олишга муваффақ бўлдилар. Жажжи ўқувчиларни хушнуд этган ҳолда коллеж ўқувчилари турли мусиқа асбобларида куйлар чалиб бердилар ва болаларга гуллар тақдим қилдилар.

Учрашув сўнгида коллеж ўқувчилари бўлажак мусиқачиларни ўқув муассасаси хоналари, концерт заллари билан бирма-бир таништириб чиқдилар.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**  
**СУРАТДА: ижодий учрашувдан лавҳа**

**Спорт янгиликлари**

**МЕДАЛЛАР ШОДАСИ**

**Вьетнамда ёпиқ иншоотларда ташкил этилган III Осиё ўйинлари Ўзбекистон терма жамоасига медаллар шодасини тақдим этмоқда.**

Енгил атлетиканинг баландиқка сакраш баҳсларида ҳамюртимиз Надежда Дусанова барча рақиблирини орта қолдириб олтин медал эгасига айланган бўлса, лангарда сакраш баҳсида Леонид Андреев бошқалардан маҳоратли эканлигини исботлади ва олий совринни қўлга киритди.

Шунингдек, узунлик сакраш бўйича Юлия Тарасова ҳамда 60 метр масофага югуришда Гўзал Хубиевага кумуш медаллар насиб этган бўлса, компьютер ўйинлари баҳсларида қатнашган вакилларимиз бронза медали эгасига айланмишди.

(Ўз мухбиримиз)

Чирқанок мевалари, шарбати ва мойи бир қатор хасталиклар давоси сифатида халқ табobati амалиётида атрофлича қўлланилади. Чирқанок шарбати ва ундан ажратиб олинган мой дармонсизликда, тери, қулоқ, томоқ касалликларида ишлатилади. Чирқанок соч тўкилишининг олдини олади, оғриқ қолдирувчи, зангила дардларига даво сифатида тавсия этилади. Мевалари ва барглари қайнатмаси билан бод, меъда касалликлари даволанади. Маҳаллий аҳоли чирқанок меваларини қорин оғриқларини қолдириш, меъда-ичак фаолиятини яхшилаш учун истеъмол қилади.

Ўлкамизнинг сархислат ўсимликларидан бири бўлмиш чирқанок мевалари айни етилиб, қиёмига етган палла. **Чирқанокни бизда чаканда, маймунжийда, тожиклар — ангад, ангахор, палож, сагор, сафедхор, сарганак, чунг, хинбет, қозоқлар — жирқанок, руслар — облепиха номи билан юритишади. Жийдадошлар оиласига мансуб бу ўсимликнинг мевалари азалдан дориворлиги билан азиятланиб келинади.**

лигланиши (периодонтит)га даво қилишади. Барглари ва мурғак новдалардан тайёрланган экстрактлари (қиёмии) ичкетарга ичиш учун бе-

да, терида мавжуд бўладиган нуқсонларни кетказишда омилкорлик қилади. Чирқанок мойининг 5 фоизли эритмаси ўткир қўри-

модда ажратиб олинган бўлиб, у рак-саратон касаллигига қарши даволиги билан ажралик туради.

Чирқанок мевалари хушрўйлаш (косметика) ва озиқ-овқат саноатида ҳам ишлатилади. Ундан шарбатлар, мураббо, повидло ва татимли киселлар тайёрланади. Кези келганда чирқанок мевалари таркибига назар ташлаш лозим. Мевалари таркибига 8 фоиз мой, 10, 5 фоиз глицеридлар, 10,4 фоиз стеарин, линолен ва пальмитин кислоталари, дармондорилардан С (450 мг фоиз), В<sup>1</sup> (0,28 мг фоиз), В<sup>2</sup> (0,38 мг фоиз), В<sup>6</sup> (0,79 мг фоиз), Е (14 мг фоиз) витаминлари, фолат кислотаси (0,79 мг фоиз), каротиноидлар, органик ачилар (асосан олма ва тартарат), мевашарбатида 3,5 фоиз қанд, уруларда эса 12,5 фоиз ёғ бор. Ўсимлик баргларида салмоқли микдорда аскорбин кислотаси (250-370 мг фоиз атрофида), 10 фоиз ошловчи моддалар мавжуд.

Ҳозирда дорихона ва гиёҳхоналар босотида «Чирқанок мойи» («Масло облепиховое»), «Чирқанок шамчалари» («Свечи облепиховые»), харидга чиқарилмоқда.  
**Маннон НАБИЕВ,**  
**доришунос**

**Олтин куз неъматлари**  
**ДОРИВОР ЖИҲАТЛАРГА БОЙ**

рилади.

Ҳозирги замон тиббиётида чирқанок мойи бир қатор хасталикларда синалган, ишончли даводир. Чирқанок мойи жароҳатларни ва тери касалликларини тезда тuzатишга мойиллик яради (эпителизация жараёнини жалдаштиради). Шунингдек чирқанок мойи оғриқ қолдирувчи ҳамда антисептик (бактерияларга қирон келтириши) хусусиятлари билан ҳам жуда қадрланади. Кольпит, бачадон эрозияси, эндоцервицитларни даволашда чирқанок препаратлари ижобий натижа беради.

Чирқанок мойи оғиз иллатлари: караш бўлишида, ёрилишларнишдаги гуш (экзема) га ижобий таъсир кўрсатиб, ялглиғаниш, эритема (баъзи юқумли касалликларда териди ҳар хил катталликдаги оч қизил, пушти рангли доғлар пайдо бўлиши), шиш ва оғриқлардан холи этади. Нейродермит (терининг қаттиқ қичиши ва майда тошмалар гўжғони билан кечадиган касаллик) билан тангачали темиртки ва бошқа тери касалликларига даволик қилади. Чирқанок мойининг 3-9 фоиз вазелин мойи билан аралашмаси турли хил куйишларда фойдаланилади. Чирқанок ўсимлигининг пўстлогидан 5-окситриптамин номли

нишдаги гуш (экзема) га ижобий таъсир кўрсатиб, ялглиғаниш, эритема (баъзи юқумли касалликларда териди ҳар хил катталликдаги оч қизил, пушти рангли доғлар пайдо бўлиши), шиш ва оғриқлардан холи этади. Нейродермит (терининг қаттиқ қичиши ва майда тошмалар гўжғони билан кечадиган касаллик) билан тангачали темиртки ва бошқа тери касалликларига даволик қилади. Чирқанок мойининг 3-9 фоиз вазелин мойи билан аралашмаси турли хил куйишларда фойдаланилади. Чирқанок ўсимлигининг пўстлогидан 5-окситриптамин номли

нишдаги гуш (экзема) га ижобий таъсир кўрсатиб, ялглиғаниш, эритема (баъзи юқумли касалликларда териди ҳар хил катталликдаги оч қизил, пушти рангли доғлар пайдо бўлиши), шиш ва оғриқлардан холи этади. Нейродермит (терининг қаттиқ қичиши ва майда тошмалар гўжғони билан кечадиган касаллик) билан тангачали темиртки ва бошқа тери касалликларига даволик қилади. Чирқанок мойининг 3-9 фоиз вазелин мойи билан аралашмаси турли хил куйишларда фойдаланилади. Чирқанок ўсимлигининг пўстлогидан 5-окситриптамин номли

**Инсоният онгли ҳаёт тарзига тамал тошини қўйганидан бери, тил — алоқа алмашинувининг асосий воситаларидан бири бўлиб келган.**

**Тадбирлар**

**ТИЛ — ДИЛ КЎЗҒУСИ**

Шу маънода Тошкент молия-кредит коллежида ўтказилган "Сен муқаддасан, она тилим" номли маърифий кечада она тилимизнинг улғувдор қадр-қиммати ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирни коллеж раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Собир Ҳошимов кириш сўзи билан очар экан, истиқлол йилларида она тилимизни юксалтириш борасида амалга оширилган ишларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, тил ҳар бир халқнинг ўзлигини намойён этади. Бундан йигирма йил муқаддам тилимизга Давлат тили мақомининг берилиши халқимиз хохиш-иродасини ўзида мужассам этди. Бугун олий ўқув юртлири, ўрта махсус таълим даргоҳлари, мактаблар, жамоат ташкилотларида ўзбек тилида иш юритилиши баробарида ҳар бир юртдошимиз ҳақли маънода ўз она тилининг мавжудлигидан фахрланади.

— Коллежимизда уюштирилган бу маърифий кеча ўқувчиларимиз тавақкур тарзида ўзига хос ўзгариш ясашига ишонаман, — дейди ўқув масканининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Назокат Ҳусанова биз билан суҳбатда. — Негаки ёшларимиз онгига салбий таъсир этувчи омиллардан фойдаланилади. Халқ таълими соҳасидаги янги педагогик технологияларнинг мунтазам равишда жорий этиб борилиши бу борадаги ишлар қўламага ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Кеча сўнгида ташкил этилган бадий кеча қатнашчиларда илқ таассурот қолдирди.

**Зулфия АСОМОВА,**  
**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**Қатралар**

**УЛУҒ ХИСЛАТ**

Олижаноблик — улғу хислат. Бу хислат эгалари ўзгаларни ўзларидан устун кўрадилар.

— Энг ақлли, олижаноб одам, — деган экан бир донишманд, — кўп нарсани билиб, билимдонлик қилмаган, мактовларга учмаган, камтардир. Шу ўринда одоб бўстониинг билимдонни Балхийнинг сўзини келтириш ўринлидир:

Билиминг осмонга етган бўлса ҳам,  
Бошқалар илмига қулоқ сол ҳар дам.

**ОЗОДАЛИК**

Ака ва ука ширин босволдини сўйиб ейишди. Акаси дарров қўлини юваркан, сен ҳам қўлингни тезроқ ювақол, деган маънода укасига қарайди.

Укаси атайин чала еган қовун каржларини қайтадан еб тозаларкан, пашшалар ширани қўл, оғзига кўниб яланади.

— Сур экансанлар, — пашшаларни ҳайдай бериб, бозор бўлади ука.

Пашшалар: — Ширанг ширин экан, ўлсак ҳам сендан айрилмаймиз, — дея хиралик қилавереди, қилавереди.

— Акамга ҳам ёпишларинг, қовун еган-ку, — йиғламсирайди у.

— Бошингни ишлатсангчи, — дейди акаси. — Тўғри, мен ҳам қовун еганман. Юз, қўлимни тез ювганимни кўрувдинг-ку. Пашшалар билан олишмай тезроқ ювинишга чоп.

Укаси ювингач пашшалар қочади. Жилмайиб турган акасининг кўзидан: «Қалай, хираларни енгса бўларканми?! — деган маънони уқигач: «Озода бўлсам пашшалар мендан қочаркан», дея ўз айбини тушунди.

Озодалик инсон учун яхши одатдир.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АҚРОМОВ**  
Манзилмиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба*  
*ва жума кунлари чиқади.*  
**Нашр кўрсаткичи — 563**  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар**  
**Матбуот ва ахборот**  
**бошқармасида 02-1-рақам**  
**билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2807 нускада босилади.  
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
**1 345**